100598
Давлат китоб палатаси
Давлат книжная палата УзССР

Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 22 апрель, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 29 (7026)

Da'vat

Илмга нисбатан гўё чўпон каби посбон бўлинглар, лекин илмни фақат ривоят қилувчи бўлманглар.

ҲАДИС

Ibrat

Буз туманида яшовчи Шакархон Қодирова бошлангич синф ўқувчилари учун «Аълочи» номли, ҳар бири икки юз сумлик мукофот таъсис этди. Бундан ташқари, бу аёл яқинда мактаб учун 20 минг сумлик кундалик эҳтиёж молларини ҳам тортиқ қилди.

Seminar

ЎҚУВ ҲУЖЖАТЛАРИ МИЛЛИЙ ДАСТУРГА МОСМИ?

Амалдаги таълим тизими давр талабларига жавоб бера олмай қолгани боис Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» ишлаб чиқилди ва ҳаётга босқичма-босқич татбиқ этила бошланди. Энди ўқув режаси ва дастурлар ҳам таълимга қўйилаётган замонавий талаблар инобатга олинган ҳолда ўзгариши керак. Шу аснода табиий савол туғилади, нечанчи синфдан бошлаб янги ўқув дастури ишга солинади? 9-синфдан кейин ўғил-қизларга Давлат аттестати бериш керакми? 1998-99 ўқув йилида 8-синфларга мўлжалланаётган янги дастурларни кириш қай усулда жорий этилади? Унда қайси фанлар ўқитилади? Умуман, умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими дастурларида узлуксиз таълимни таъмин этиш муаммоси қандай ечилади?

Шу йилнинг 18 апрель куни Халқ таълими вазирлигида ўтказилган амалий семинарда бу каби масалалар хусусида атрофлича фикр юритилди. Унда янги тизимни яратиш, умумий ўрта таълим ҳамда ўрта махсус таълимдаги дастурий ўзгаришлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев ҳамда республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими маркази раҳбари Рисбой Жўраев ҳисоботи тингланди.

Барча умумтаълим мактабларининг 1-9- синфлари учун мўлжалланган таянч ўқув режасини ўқув соатлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгиланган меъёрдан ошиб кетмаганлигини таъкидлаш жоиз.

Энг муҳими, уларда таълим узвийлигига алоҳида эътибор берилган. Эндиликда халқ таълими ходимларидан белгиланган тамойиллар асосида қўйилаётган вазифаларни амалга ошириш талаб қилинади. Алалхусус, услубий материалга эга бўлиш учун чинакамига фидойилик билан ишлашга тўғри келади.

Семинарда олимлар, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги , Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари раҳбарлари, илмий тадқиқот ва малака ошириш институтлари вакиллари ва амалиётчи ўқитувчилар кун тартибидаги масала билан боғлиқ таклиф ва мулоҳазаларини баён этдилар.

Барибир, муҳокамага тавсия этилган ўрта умумий таълим мактабларининг таянч ўқув режаси лойиҳаси ҳамда икки вариантли режа ва дастурлари лойиҳаларини, Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими маркази раҳбари тавсия этган материалларни ҳам такомилига етган, деб бўлмайди.

Тарих ва адабиёт фанлари дастур ва дарсликларидаги ортиқча тафсилотларга йўл қўйилган ёхуд мафкуравий жиҳатдан эскирган мавзулардан ҳам воз кечган маъқул. Масалан, Абдулла Қаҳҳорнинг ўша давр нуқтаи назаридан ёзилган «Синчалак» қиссасини мактабларда ўрганиш шартми?..

Тарих фани бўйича эса мустақиллик йилларига кўпроқ ўрин ажратган ҳолда 5—9-синфларда ўқувчиларга тарихимизнинг энг аниқ саҳифалари ўқитилиши, академик лицей, касб-ҳунар колежларида эса мазкур фан таълими худди шу йўсинда давом эттирилиши зарур...

Умуман олганда, яқин кунлар ичида миллий Дастурга монанд янги ўқув ҳужжатлари яратилади ва ўғил-қизлар янги режа ва дастурлар асосида таълим ола бошлайдилар, дейишга асосларимиз бор. Буни вазирликларда туну кун ишлаётган малакали мутахассислар — ишчи гуруҳлари яратаётган қатор лойиҳалари мазмунидан ҳам пайқаса бўлади.

Амалий семинарни Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси, «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий Дастур»ни амалга ошириш республика комиссияси раиси ўринбосари Тўхтапўлат Рисқиев олиб борди. Йиғилишда Республика Бош вазири ўринбосари Алишер Азизхўжаев иштирок этди ва сўзга чиқди.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ

Нукус шаҳридаги республика ўқувчилар саройида ҳайкалтарошлик тўгарагини моҳир уста, Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг аъзоси Д. Аспесов бошқаради. Унинг раҳбарлигида ёшлар турли хил ҳайкаллар ясаш ҳадисини оляпти.

Суратда: Д. Аспесов шогирдлари билан.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат

«ТАФАККУР» ЖУРНАЛИ МЕҲМОНИМИЗ 3-бет

АГАР ШУ АДОЛАТ БЎЛСА... 3-бет

Bugunning gapi

ТЕЖАМКОРЛИККА ЎРГАТУВЧИ УСКУНА

Сув, газ — бизнинг табиий бойлигимиз. Ундан қачон, қай тарзда фойдаланиш ўзимизга боғлиқ эди. Бу эса қанчаданқанча сув ва газнинг керагидан зиёд сарфланишига сабабчи бўларди. Ривожланган давлатларда бундай қилишмайди. Уларга бу борада «Сувжиҳозгаз» асбоби беминнат кўмакчи.

Қисқаси, сув, газ ўлчагичлари бизда ҳам пайдо бўлди. Мухбиримиз пойтахтнинг Ҳамза туманидаги таълим муассасаларида сув ва газ ўлчагичларнинг ўрнатилиши, ишлатиш жараёни ва кўзланган мақсад билан қизиқиб қўрди? Бу ҳақда у туман халқ таълими бўлими мудири ўринбосари Йўлдош Маҳмудовга мурожаат қилди.

— Бизда тежамкорлик хислати етишмайди. Сув, газ, электр энергияси каби табиий манбалар, қанча оқса оқаверсин, бу билан асло ишимиз бўлмасди.

Айтинг-чи, «Сувжиҳозгаз» ўлгагичларини ўрнатишга қачон киришдингизлар.

— 1996 йилнинг ноябрь, декабрь ойларида бизнинг лойиҳаларимиз тайёр бўлган эди. Бунга қадар биз Тошкент ўй-жой қурилиш лойиҳаси институтига мурожаат қилиб, 57 та таълим муассасасига сув ўлчагич, 9 та болалар боғчаларида газ ўлчагичлари ўрнатишимизни айтгандик. Улар бизнинг буюртмамизни бажонидил қабул қилишди ва лойиҳаларимизни тайёрлаб беришди.

— Ўлчагичларни ўрнатишга кимлар ёрдам берди?

— «Терминал — С» кичик корхонаси бу борада бизга ёрдам қўлини чўзди.

Бунга 1,5 миллион сўм маблағ ажратилди. Бу ҳазилакам рақам эмас ва у бизга миллион-миллион сўмларни тежашимизга ёрдам бера бошлади. Фикримнинг исботини келтирай. Агар ҳар ойда табиий газ учун 120—130 минг сўм маблағ сарфланган бўлса, ўлчагичлар ўрнатилгандан сўнг, бу рақам 40 минг сўмга тушди. Демак, ҳар ойда 80—90 минг сўм ёнимизга қолмоқда. Ўлчагичдан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди, у ёқилғи қанча ёқилганини рақам орқали кўрсатади-қўяди. Сув ўлчагичлар ҳақида ҳам шундай фикрни айтишим мумкин. 1997 йил январь ойидан бошлаб сув ҳам аввалги йилларга қараганда 3 баравар кам ишлатилмоқда.

— Кечирасиз, бу асбоблар ўзимизда ишлаб чиқарилганми ёки хориждан келтирилганми?

— Улар Исроилдан, «Алад-Далия» фирмасидан келтирилган.

— Бир йил мобайнида бу ўлчагичларнинг бузилиб қолиш ҳоллари рўй бердими?

— Кўз тегмасин, бундай ҳол рўй бергани йўқ. Лекин биз бу вазиятга ҳам тайёр турибмиз. Яъни «Тошгазсувқувур» билан шартнома тузилади. Улар шошилинч вазиятда сув ва газ қувурларининг ҳолатини кўриб чиқаишади, зарурий ишни амалга оширишади. Умуман олганда, бу ускуналар кони фойда экан. Сув, газнинг меъёрида ишлатилишини инсон назорат қила олмас экан. Ёки бунга унинг қунт ва ҳафсаласи етишмайди. Масалан, кир юваётган уй бекаси ванна ёки сув қувури жўмрагини соатлаб очиб қўяди. Соқолини устарада қиртишлайдиган жаноблари-миз эса ваннанинг сувини керак бўлмаган вақтда ҳам ўчириб қўйишмайди. Мана, сизга хўжасизлик! Агар хонадонларимизга ҳам ана шундай ўлчагичлар ўрнатилса, чўнтагидан кўпроқ пул кетишини истамаган кишилар мумкин қадар тежаб-тергаб ишлатган бўлардилар...

— Албатта, бунга ҳам қачондир эришамиз. Бу дегани, фақат кишиларни тежамкорликка ўргатиш эмас, балки мустақил давлатимизнинг равнақи ҳамдир.

— Тўғри таъкидладингиз. Сувнинг томчиси зар, газнинг заррасидан улкан заҳиралар вужудга келади. Тежалган маблағлар таълим муассасаларимизнинг моддий аҳволини тубдан яхшилашга имкон яратади, деб ўйлайман!

Ҳ. ТЎЙМАНОВА суҳбатлашди

МАЛАКА ОШИРИШ:

МУАММОЛАР, ТАЖРИБАЛАР

Аввал хабар қилганимиздек, Бухорода «Республика халқ таълими ходимлари малакасини ошириш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва технологиясини такомиллаштириш муаммолари» мавзуидаги II Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Бухоро ВПХМОИда ўтказилган ялпи мажлисни халқ таълими вазирининг муовини Х. Маъсудов бошқариб борди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосари Н. Очилов ҳокимнинг табригини қатнашчиларга етказди.

Кун тартибидаги асосий масала бўйича А. Авлоний номидаги ХТХМОМИ ректори А. Акмалов «Республика халқ таълими ходимлари малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш муаммолари», Бухоро ВПХМОИ ректори Й. Асадов «Ўқитувчининг мустақил малака ошириш жараёнидаги ижодий фаолияти», Мактабгача тарбия муассасалари ходимлари малака ошириш республика курсининг директори М. Солиҳова «Мактабгача таълим муассасалари ходимларининг малакасини ошириш — янги босқичда», Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Т. Қурбонов «Педагогик ходимлар малакасини оширишни бошқариш йўналишлари» мавзуларидаги маърузалари тингланди. Шунингдек, Бухоро вилоят ХТБ бошлиғи С. Баҳронова, Самарқанд ВПХМОИ ректори А. Аминов ва бошқалар ҳам сўзга чиқдилар.

Шўъбалар мажлисида ҳам фойдали маърузалар тингланди, баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Шўъба раисларининг ҳисоботлари ва тавсиялар қабул қилинди. Булар ва анжуман қатнашчиларининг жойларда (Ғиждувон ва Шофиркон туманлари) бўлганлиги ва амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги таҳлилий мақолани навбатдаги сонда эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Н. ОЧИЛОВ

JUMLADA JAHON

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг амалдаги Раиси, Польша ташқи ишлар вазири Бронислав Геремекни қабул қилиб, бу учрашувни Ўзбекистон ва ЕХҲТ ўртасидаги муносабатларининг тобора ривожланиб бораётганлигидан дарак, дея баҳолади.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган «Қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш Дастури»ни жорий этиш бўйича Республика комиссиясининг йиғилишида ушбу дастурнинг 1998 йил биринчи чорагида жорий этилиш аҳволи муҳокама қилинди.

● АҚШ савдо вазирлиги маслаҳатчиси, АҚШ ҳукуматининг МДҲ мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлик бўйича вакили Ян Калицски раҳбарлигидаги делегация аъзолари республика Вазирлар Маҳкамасида бўлишиб Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов билан ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик, нефть ва газ қазиб олиш, қайта ишлаш каби яна бир талай масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

● Тошкентдаги «Туркистон» саройида бошланиб, республикамизнинг бир неча вилоятларида давом этган, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик ва маданий алоқаларни, дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилган тадбир - Ўзбекистонда Қирғизистон маданияти кунлари ҳар томонлама самарали бўлди.

● Россия Президенти Б. Ельцин ҳамда Япония Бош вазири Рютаро Хасимотонинг россиялик матбуотчилар таъбири билан айтганда, галстуксиз, яъни норасмий учрашуви давомида ўзаро тинчлик масалалари ҳамда Сахалин ороли билан боғлиқ муаммолар муҳокама қилинди.

● АҚШнинг БМТдаги вакили Билл Ричардсон Афғонистонга ташрифи якунида, агар афғон уруши тез орада тугатилса, АҚШ ушбу мамлакатнинг иқтисодий тикланиши учун катта ёрдам кўрсатажагини айтди.

● Болтиқ денгизида бўлиб ўтаётган Латвия ва Дания давлатлари ҳарбий-денгиз кучларининг қўшма ҳарбий ўқув машқларида икки томондан юзга яқин ҳарбий кемалар ва бомбардимончи самолётлар қатнашмоқда.

O'zbekiston — Qirg'iziston

БАХТ ДЎСТЛИКДА

Қардош ўзбек-қирғиз халқлари бир-бири билан қанчалик яқин дўст, қон-қардош бўлсалар, уларнинг бир-бирига ҳамоҳанг маданий ва адабий алоқалари ҳам узоқ тарихга эгадир. Масалан, ушбу халқлар оғзаки ижодига назар ташласак, бир-бирига мос келадиган эртак ва афсоналарни, эпик достонлар билан мақолматалларни, лапарларни кўрамиз.

Маълумки, ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ ва бошқирд халқлари орасида кенг тарқалган «Алпомиш» эпоси билан ярим миллион мисрадан иборат бўлган қирғиз халқ эпоси «Манас» каби монументал эпик асарлар ўртасида ҳам ўхшаш жиҳатлар мавжуддир. Чунки, ҳар иккала эпоснинг бош қаҳрамонлари халқ ичидан чиққан, уларнинг асосий орзу-умидлари, мақсад-муродлари бир, яъни тарқоқ ҳолдаги эл-юртни, элатини, уруғларини бирлаштириш, ташқи босқинчилардан ҳимоя қилиш, ўз халқини эркин ҳаётга, мустақил, фаровон турмушга эриштиришдир.

«Алпомиш» билан «Манас» эпоси ўз ўқувчиларини мардликка, ватанпарварликка чорлайди. Адолатсизликка, шафқатсизликка нафрат уйғотади. Эпосларнинг бош қаҳрамонлари бўлмиш Алпомиш билан Манас умр бўйи фарзанд кўрмай юрган, фарзанд орзусидаги чол-кампирларнинг ўғилларидир. Ҳар иккаласининг ҳам паҳлавонликлари ва ботирликлари 6—7 ёшларидаёқ халқ орасида кенг шуҳрат қозонади. Уларга туғилган кунларидаёқ ўзларига лойиқ отлар ҳам намоён бўлади.

Ҳар иккала асардаги яна бир ҳамоҳанглик бу — Барчиной билан Ханекей образларининг бир-бирига кўп жиҳатдан ўхшаш келишидир.

Кўриниб турибдики, ўзбек ва қирғиз халқларининг ўтмиш тарихи ҳам, орзу-умидлари ҳам бир-бирига жуда яқин, ўхшаш, ҳатто монанд экан. Шунинг учун ҳам хассос шоир Миртемир: «Дўстлик ва жигарбандлик тарихимиз эса ундан ҳам илгари, балки катта бувиё абушка бешик тебратиб, алла айтган маҳалдан бошланур», — дейди ва ундан сўнг: «Икки халқнинг қалин жигарбандлигига ҳар хил оқ пошшою кўк пошшолар тўғанок бўлган, холос. Меҳнаткаш халқ ҳамма вақт — оғир кунда ҳам, тўй-томошаларда ҳам бир-бирини унутган эмас», — деса, машҳур қирғиз олими Бўлат Юнусалиев: «Бу халқларнинг бошдан кечирган қайғу ҳасрати, шодликлари, ўй-фикрлари орзуниятлари бир-бирига жуда ҳам ўхшашдир», — деганда бутунлай ҳақ эдилар.

Бундан ташқари, бахши

(Давоми 3-бетда)

MMM

XABARLARI

YILNING FAOL KITOBXONLARI

Oltiariq tumanida yaqinda «O'zbek yozuvchilari bolalarga» deb nomlangan kitobxonlar bayrami o'tkazildi. Unda o'zbek adiblari asarlaridan namunalar o'qildi, topishmoqlar aytildi, milliy o'zbek o'yinlari ijro etildi. Bolalarning zukko bilimdonlari yozuvchi Xudoyberdi To'xtaboyev ijodiga bag'ishlangan adabiy o'yinda qatnashishdi.

Uning faol qatnashchilari esa «yilning eng faol kitobxoni» deb topildi va tuman «Qizil yarim oy jamiyati» va «Kamolot» jamg'armasi tomonidan uyushtirilgan sovg'alarga ega bo'ldilar.

Muxtasarxon KARIMOVA

MEVAZORLAR KENGAYMOQDA

Buxoro tumanidagi 41-bog'cha-maktabidagi tajriba er maydonida o'tgan yili 25 ming so'mlik mahsulot olinib, bog'cha tarbiyalanuvchilariga tortiq qilingan edi.

Bu yil o'qituvchi va o'quvchilar kuchi bilan maktabning mevazor maydoni yanada kenqaytirildi. 100 tup o'rik, olma, shaftoli nihollari, 500 tup terak, va tol daraxtlari o'tqazildi, shuningdek, 0,8 sotix maydonga sabzavot va poliz mahsulotlari ekildi.

Dilmurod JABBOR

IJODIY HAMKORLIK

Qamashi tumanida ko'plab yozuvchi va shoirlar istiqomat qilishadi. Yaqinda tuman XTBda ijodkorlarning bir guruhi: M. Elmurodova, T. Boymirov, Yo. Kenja, O'. Boyqobil, A. Qodirovlar bilan uchrashuv o'tkazildi.

Uchrashuvda milliy o'zligimizni, mustaqillik g'oyasini yoshlarga singdirishda ijodkorlarning o'rni va olib borayotgan ishlari, shuningdek ularning ijodkor o'qituvchilar bilan hamkorligi xususida gap bordi.

Saodat OSTONOV

MMM

XABARLARI

MADHING KUYLAB TOLMAG'AY KO'NGIL

Oila qo'rg'onining mustahkam, ro'zg'orning tinch-totuv bo'lishida ayollarning o'rni naqadar beqiyosligi Andijon shahridagi 3-kasb-hunar maktabida «Ayol bilan munavvar olam» mavzuida o'tkazilgan kechada ham tarannum etildi. Unda maktabning 44, 45-guruhlari onalarimizni, ayollarimizni madh etish bo'yicha mahoratlarini sinab ko'rishdi. 44-guruhning mahorati ustun ekan.

Shuhratbek KELDIYEV

DTM tahlili

КЎЗГУДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

1997 йилда Хоразм вилояти бўйича Республика олий ва ўрта махсус билим юртларига 10113 абутуриент ҳужжат топширган. Улардан 4191 нафари олий ўқув юртларида ўқиш истагини билдирган.

Абитуриентлар эришган натижаларга назар ташласак, олий ўқув юртларига кириш учун топширилган тест натижалари бўйича юқори кўрсаткични қўлга киритишди.

Хоразм вилоятида Янгиариқ (она тили ва адабиёт, математика, биология, кимё, тарих, инглиз тилида), Боғот (она тили ва адабиёт, математика, физика) туманлари, Дружба шаҳри (физика, кимё, тарих) юқори кўрсатгичларга, эришганлар. Ҳазорасп тумани, Хива шаҳрида кўрсаткичлар вилоятнинг ўртача самарадорлигидан паст эканлиги кўриниб турибди.

Вилоят ва туманларнинг халқ таълими бошқармаси, бўлими ходимлари, ҳар бир мактаб ўқитувчиси абитуриентлар жавоблари самарадорлигини диққат билан ўрганиб, янада юқори натижаларга эришадилар, деб умид қиламиз.

фанлар	Хоразм вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги(%)*	Республика бўйича ўртача жавоблар самарадорлиги (%)
она тили	47,26	43,41
тарих	47,04	49,75
математика	48,29	40,87
физика	35,39	29,26
биология	59,90	53,39
кимё	48,10	40,73
география	43,83	43,47
инглиз тили	46,37	40,63
немис тили	29,44	27,94
француз тили	35,13	31,08

*** Ушбу кўрсаткичлар қуйида жадвал шаклида берилган.**

Она тили, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Урганч тумани	870	41.4	326	47.0	48	45.6	496	37.2
2	Хива тумани	655	40.6	169	43.2	28	40.2	458	39.6
3	Хазорасп тумани	431	36.4	164	41.8	24	38.3	243	32.5
4	Гурлан тумани	837	42.5	291	44.3	31	39.5	515	41.7
5	Хонқа тумани	879	41.1	464	43.1	42	43.1	373	38.4
6	Шовот тумани	1141	43.9	535	45.6	66	45.7	540	42.0
7	Янгибозор тумани	683	45.6	293	46.2	44	50.8	346	44.4
8	Қўшкўпир тумани	901	44.4	380	47.5	48	55.6	473	40.9
9	Боғот тумани	822	44.6	307	51.1	39	47.3	476	40.2
10	Янгиариқ тумани	654	50.7	265	60.3	32	51.1	357	43.6
11	Урганч шаҳри	1233	41.7	497	49.5	81	41.9	655	35.8
12	Хива шаҳри	329	39.3	73	45.0	14	36.9	242	37.8
13	Дружба шаҳри	137	38.7	53	48.1	10	44.7	74	31.2
	Жами	9572	42.9	3817	47.3	507	45.4	5248	39.5

Она тили, рус тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Урганч тумани	13	49.1	6	49.5	2	63.9	5	42.8
2	Хива тумани	2	27.8	2	27.8				
3	Хазорасп тумани	6	49.5	3	57.4			3	41.7
4	Гурлан тумани	29	42.9	21	42.6			8	43.8
5	Хонқа тумани	27	45.5	21	47.1			6	39.8
6	Шовот тумани	23	37.0	19	37.0			4	36.8
7	Қўшкўпир тумани	13	58.8	10	55.3			3	70.4
8	Боғот тумани	12	47.9	7	48.0	2	43.1	3	50.9
9	Янгиариқ тумани	8	37.2	5	38.3			3	35.2
10	Урганч шаҳри	204	51.9	149	53.9	5	48.9	50	46.3
11	Хива шаҳри	27	44.4	27	44.4				
12	Дружба шаҳри	3	50.9	3	50.9				
	Жами	367	48.8	273	49.7	9	50.9	85	45.4

Тарих, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Урганч тумани	127	47.5	101	49.2	18	47.4	8	26.7
2	Хива тумани	55	55.3	46	54.1	5	53.3	4	71.5
3	Хазорасп тумани	63	46.3	45	45.3	4	43.1	14	50.2
4	Гурлан тумани	116	41.8	98	41.3	6	23.1	12	55.3
5	Хонқа тумани	196	44.1	173	44.3	10	41.1	13	42.7
6	Шовот тумани	187	41.7	160	42.5	18	37.5	9	36.1
7	Янгибозор тумани	110	47.6	90	46.1	13	56.8	7	49.2
8	Қўшкўпир тумани	179	50.3	139	47.9	17	61.1	23	57.1
9	Боғот тумани	115	51.1	89	51.2	16	51.9	10	49.4
10	Янгиариқ тумани	124	59.5	104	60.6	7	55.6	13	53.2
11	Урганч шаҳри	234	46.1	178	48.5	19	39.8	37	37.9
12	Хива шаҳри	33	44.9	26	49.1	5	26.1	2	36.1
13	Дружба шаҳри	30	57.3	19	59.5	6	42.1	5	67.2
	Жами	1569	47.7	1268	47.9	144	46.2	157	47.2

Кимё, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Урганч тумани	123	43.6	103	45.7	4	35.4	16	31.6
2	Хива тумани	68	42.9	59	44.6	7	34.9	2	19.4
3	Хазорасп тумани	56	46.0	47	48.3	4	36.1	5	32.2
4	Гурлан тумани	103	45.2	86	47.4	12	33.1	5	36.7
5	Хонқа тумани	158	44.7	123	46.7	18	41.0	17	34.2
6	Шовот тумани	186	42.4	155	45.9	18	23.9	13	25.2
7	Янгибозор тумани	95	40.4	75	42.1	16	38.4	4	16.7
8	Қўшкўпир тумани	126	47.8	111	50.5	7	27.4	8	27.4
9	Боғот тумани	114	48.8	102	50.8	6	35.6	6	28.7
10	Янгиариқ тумани	86	52.7	80	53.0	6	49.1		
11	Урганч шаҳри	158	49.4	140	51.9	5	36.1	13	28.0
12	Хива шаҳри	28	41.5	24	45.8			4	15.3
13	Дружба шаҳри	13	52.1	10	58.3	3	31.5		
	Жами	1314	45.7	1115	48.1	106	34.8	93	28.8

География, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Урганч тумани	10	46.7	10	46.7				
2	Хива тумани	4	48.6	4	48.6				
3	Гурлан тумани	14	41.7	14	41.7				
4	Хонқа тумани	12	42.1	12	42.1				
5	Шовот тумани	13	38.7	13	38.7				
6	Янгибозор тумани	11	42.9	11	42.9				
7	Қўшкўпир тумани	8	39.2	8	39.2				
8	Боғот тумани	2	38.9	2	38.9				
9	Янгиариқ тумани	5	62.8	5	62.8				
10	Урганч шаҳри	4	43.1	4	43.1				
	Жами	83	43.4	83	43.4	0	0.0	0	0.0

Математика, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Урганч тумани	431	32.0	147	46.2	16	38.0	268	23.9
2	Хива тумани	279	30.5	75	44.7	14	38.3	190	24.3
3	Хазорасп тумани	184	36.4	79	48.5	16	36.6	89	25.7
4	Гурлан тумани	333	31.8	138	42.2	10	45.0	185	23.3
5	Хонқа тумани	419	35.6	198	47.5	10	33.1	211	24.6
6	Шовот тумани	483	38.2	249	47.1	25	44.3	209	26.9
7	Янгибозор тумани	293	37.2	145	46.2	13	49.1	135	26.4
8	Қўшкўпир тумани	405	33.1	146	44.7	19	49.6	240	24.8
9	Боғот тумани	330	39.3	132	55.7	15	50.4	183	26.5
10	Янгиариқ тумани	277	38.3	96	54.5	19	51.3	162	27.1
11	Урганч шаҳри	683	33.8	199	51.7	40	40.4	444	25.1
12	Хива шаҳри	128	29.3	24	42.5	9	36.1	95	25.3
13	Дружба шаҳри	69	34.3	24	58.8			45	21.2
	Жами	4314	34.8	1652	48.1	206	43.1	2456	25.1

Биология, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Урганч тумани	328	48.8	96	55.9	29	47.2	203	45.7
2	Хива тумани	326	48.4	54	58.0	10	52.8	262	46.2
3	Хазорасп тумани	187	45.8	45	60.2	7	48.8	135	40.9
4	Гурлан тумани	413	51.2	81	59.8	20	37.4	312	49.8
5	Хонқа тумани	281	52.5	118	58.0	31	58.5	132	46.2
6	Шовот тумани	505	52.6	158	58.5	39	49.9	308	49.8
7	Янгибозор тумани	293	53.1	66	55.6	27	54.0	200	52.2
8	Қўшкўпир тумани	340	49.5	117	61.0	22	48.1	201	42.9
9	Боғот тумани	390	50.4	102	63.5	13	33.8	275	46.3
10	Янгиариқ тумани	269	55.8	80	66.7	8	66.7	181	50.5
11	Урганч шаҳри	337	49.3	141	60.8	36	39.4	160	41.3
12	Хива шаҳри	167	46.6	23	60.0	5	44.4	139	44.5
13	Дружба шаҳри	40	49.5	10	68.3	7	41.3	23	43.8
	Жами	3876	50.6	1091	59.9	254	47.9	2531	46.9

Физика, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Урганч тумани	58	36.8	56	35.6	2	69.4		
2	Хива тумани	44	35.9	37	34.7	7	42.5		
3	Хазорасп тумани	45	38.8	40	39.2	5	36.1		
4	Гурлан тумани	52	31.8	52	31.8				
5	Хонқа тумани	78	34.1	78	34.1				
6	Шовот тумани	117	31.6	113	31.6	4	33.3		
7	Янгибозор тумани	80	31.1	74	31.8	6	22.2		
8	Қўшкўпир тумани	54	31.0	51	30.8	3	34.3		
9	Боғот тумани	44	39.4	42	40.0	2	26.4		
10	Янгиариқ тумани	40	37.8	38	38.4	2	26.4		
11	Урганч шаҳри	75	43.8	64	46.3	11	29.3		
12	Хива шаҳри	13	21.8	6	19.0	7	24.2		
13	Дружба шаҳри	9	40.7	9	40.7				
	Жами	709	35.0	660	35.2	49	32.3	0	0.0

Француз тили, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Урганч тумани	10	28.1	10	28.1				
2	Хива тумани	4	18.8	2	19.4	2	18.1		
3	Хазорасп тумани	20	34.0	18	32.1	2	51.4		
4	Гурлан тумани	31	47.8	28	51.1	3	17.6		
5	Хонқа тумани	42	28.7	39	29.0	3	25.0		
6	Шовот тумани	117	36.9	107	38.1	10	24.4		
7	Янгибозор тумани	61	34.8	57	34.7	4	36.1		
8	Қўшкўпир тумани	71	29.5	62	30.1	9	25.0		
9	Боғот тумани	33	31.1	27	34.3	6	16.7		
10	Янгиариқ тумани	20	26.9	12	25.5	8	29.2		
11	Урганч шаҳри	4	34.0	4	34.0				
	Жами	413	33.8	366	34.8	47	25.8	0	0.0

Инглиз тили, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Урганч тумани	99	42.3	88	43.2	11	35.1		
2	Хива тумани	38	36.4	32	39.1	6	21.8		
3	Хазорасп тумани	49	35.1	41	35.8	8	31.6		
4	Гурлан тумани	73	32.9	66	32.9	7	32.9		
5	Хонқа тумани	113	54.5	110	55.5	3	19.4		
6	Шовот тумани	83	39.6	74	39.6	9	39.5		
7	Янгибозор тумани	35	40.9	33	41.9	2	23.6		
8	Қўшкўпир тумани	88	47.1	77	46.5	11	51.3		
9	Боғот тумани	90	44.2	82	44.8	8	38.5		
10	Янгиариқ тумани	116	50.4	102	51.4	14	43.1		
11	Урганч шаҳри	182	51.2	158	53.3	24	37.2		
12	Хива шаҳри	23	38.4	23	38.4				
13	Дружба шаҳри	27	43.2	25	44.3	2	29.2		
	Жами	1016	45.2	911	46.1	105	37.0	0	0.0

Немис тили, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Урганч тумани	25	33.8	19	35.4	6	28.7		
2	Хива тумани	31	30.6	28	30.5	3	31.5	*	
3	Хазорасп тумани	10	26.4	10	26.4				
4	Гурлан тумани	10	18.3	10	18.3				
5	Хонқа тумани	62	28.8	60	29.1	2	19.4		
6	Шовот тумани	9	27.8	7	29.8	2	20.8		
7	Янгибозор тумани	35	32.8	30	32.4	5	35.0		
8	Қўшкўпир тумани	36	22.1	34	22.2	2	19.4		
9	Боғот тумани	36	28.9	28	28.0	8	31.9		
10	Янгиариқ тумани	5	20.6	5	20.6				
11	Урганч шаҳри	65	31.2	57	32.6	8	21.2		
12	Хива шаҳри	13	32.1	13	32.1				
13	Дружба шаҳри	4	27.1	4	27.1				
	Жами	341	29.1	305	29.3	36	27.4	0	0.0



ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Нигерия ҳукуматининг маълум қилишича, у август ойига мўлжалланган Президент сайловларини бекор қилди. Ушбу қарор мамлакатнинг ҳарбий Президенти генерал Сани Абачини бешта сиёсий партиянинг номзоди сифатида кўрсатилгандан сўнг эълон қилинди. Ҳукумат воизи Халифа Ҳасан Юсуфнинг айтишича, сайловлар ўрнига Президент номзоди борасида референдум ўтказилади. Ҳукумат воизига кўра, генерал фуқаро сифатида эмас, балки ҳарбий мулозим сифатида сайловларда иштирок этиши мумкин.

***

Халқаро Қизил Хоч қўмитаси омалида гаровга олинган унинг ходимларининг хавфсизлиги борасида ўз чуқур хавотирини билдирди.

***

Россия маъмурияти қуроллар экспортини ошириш ҳақида ўз қарорини эълон қилди. «Росвооружение» Давлат корхонаси раҳбари Евгений Онаниннинг айтишича, бу йил ичида Россия қуроллар экспортидан 3,5 миллиард АҚШ доллари орттиришга интилмоқда. Жаноб Онаниннинг айтишича, Ҳиндистон ва Хитой Россия қуролларининг энг катта мижозларидир.

Лондон, «ВВС» ўзбек хизмати

***

Покистон ташқи ишлар вазири Гухар Аюбхон «Америка овози» радиосининг мухбири билан ўтказган суҳбатида АҚШнинг Жаҳон ташкилоти қошидаги вакили Билл Ричардсон томонидан ўтган ҳафта амалга оширилган сафар Америка Қўшма Штатлари билан янгидан муносабатларга бошланишидир, деган.

***

Ҳиндистон Бош министри Асфол Бехори Восқоий сиёсий буҳронга тўсиқ бўлиш мақсадида юлғучлик қилганликда айбланган кабинет аъзоларидан бирини лавозимидан бўшатган.

Вашингтон «Америка овози».

Hamkorlik sarhadlari

ШАРТНОМА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ОЧАДИ

Куни кеча, янаям тўғрироғи 2—12 апрель кунлари Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети механика-математика факультети профессорлари Гулмирза Худойберганов ва Ҳофиз Музаффаровлар Германиядаги машҳур Геттенген университетида бўлиб қайтишди. Биз университетнинг механика-математика факультети декани, профессор Гулмирза Худойберганов билан сафар тафсилотлари ҳусусида суҳбатлашдик.

— Гулмирза ака, аввало, Германия сафаридан олган таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Мен бундан бир неча йиллар аввал Москва Давлат университетида таҳсил олиб юрган кезларимда Германиядаги жаҳонга машҳур математиклар фаолият кўрсатган Геттенген университетини бир бор кўришни ният қилардим. Орадан йиллар ўтиб ватанимизнинг мустақиллиги менга имкон берди. Мен ўзимнинг талабаликда қилган орзуимга профессорлигимда етишдим.

Геттенген университети деганда кўз олдимизга фундаментал математика ривожига улкан ҳисса қўшган, дунё тан олган олимлар — Гауст, Гилбер, Клейт, Рима ва бошқалар келади. Геттенген 100 минг киши истиқомат қиладиган унча катта бўлмаган, аммо гўзал, атрофи яшил ўрмонлар билан ўралган шаҳарча экан. Қизиғи шундаки, 100 минг киши яшайдиган бу шаҳарчада 30 минг талаба ўқийдиган университет бор. Университетнинг қошида учта математикага алоқадор институтлар бор. Булар Математика институти, Тадбиқий математика ва Математик статистика институтлари. Олийгохда нафақат германияликлар, балки Америка, Осиё, Европа қитъаларида жойлашган давлатлардан, шунингдек, МДҲ доирасидаги Россия ва Украинадан келишган талабалар таълим олишади.

— Сафардан кўзда тутилган асосий мақсадларингиз нималар эди?

— Бизлар Геттенген университети маъмуриятининг шахсан таклифига кўра Германияда бўлдик. Сафаримиздан мақсад, Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети ва Геттенген университетлари ўртасида илмий алоқалар ўрнатишга доир тузиладиган шартнома лойиҳасини ишлаб чиқишдан иборат эди. Шартномага мувофиқ иккала университет талаба, аспирант ва ўқитувчи ходимлари ўзаро фикр алмашишади, бир-бирининг илмий салоҳиятини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Шу йил 14 июнда мазкур университет ректори Шрайбер жаноблари университетимизга ташриф буюради ва бу ерда турли йўналишлар бўйича келишув шартномаси имзоланади. Шунингдек, келгуси 1999 йил сентябрь ойида иккала университет олимлари математика соҳасида, аниқроғи математик анализнинг бир қисми, компьютер ва бошқа замонавий техникалар билан боғлиқ, масалаларни таҳлил этишга бағишланган қўшма конференция ўтказиш ниятимиз ҳам бор.

Суҳбатдош Норали АСЛОН

ЯХШИ НИЯТ – ЯРИМ МОЛ

Бугунги кун таълимда ислоҳотларни талаб этмоқда. Жумладан, таълим соҳасининг бўлаги бўлмиш болалар боғчалари ҳам бундан мустасно эмас. Шахсан ўзим деярли 20 йиллик тажрибамда бугунчалик янгиланиш, кўтарилиш ва интилиш кўрмагандим. Аввалари айнан бизнинг соҳага унча эътибор берилмасди. Гўёки боғча фақатгина ота-оналарга — ишлашлари учун шароит яратиш майдони эди. Аслидачи? Аслида айнан боғча бола руҳиятига тез таъсир этувчи, онгининг ривожида ҳал қилувчи босқич эканлиги бугун яққол намоён бўлмоқда. Шу сабабли ҳам Президентимиз бот-бот ўз нутқларида айнан боғча ёшидаги болаларга жиддий эътибор билан қараш лозимлигини таъкидламоқдалар.

Бугун мактаблар қошида ёрдамчи хўжаликлар ташкил қилинмоқда. Мақсад молиявий базани мустаҳкамлаш. Ҳўш, боғчада-чи? Агар шароит бўлса, боғчаларда ҳам шу нарсани йўлга қўйиш керак. Ипак қурти боқилса, кимга зарари бор? Бундан ташқари боғча қошида фермер хўжаликлар ҳам ташкил қилиш мумкин. Бу эса баъзи ишсиз ёки иш етишмаётган ходимларни иш билан таъминлаш имконини беради.

Боғчамиз мудираси М. Юсупова бошчилигида бу йил ўз имкониятимиздан келиб чиқиб, ана шу ишларни амалга ошириш ниятидамиз. Бундан ташқари, боғчада иссиқхона ташкил этишга ҳам киришдик. Мақсад, боғча тарбияланувчиларини қиш кунларида ҳам сабзавот билан қисман таъминлаш. Савол туғилиши мумкин. Бу ерларда ким меҳнат қилади? Болаларми? Йўқ, ушбу юмушларни юқорида айтганимиздек, ишдан бўш ходимларимиз амалга оширишади. Халқимизда, яхши ният ярим мол, деган нақл бор. Шу сабаб, биз ҳам яхши ният қилаяпмиз.

М. ТЎЙЧИБОЕВА,
Чортоқ шаҳридаги 14-болалар боғчаси тарбиячиси

УЛКАН МАҚСАДЛАР САРИ

Мустақил республикамиз иқтисодиётини ривожлантириш бевосита етук мутахассис кадрлар тайёрлаш ва уларни бугунги кун талаблари даражасидаги билимлар билан қуроллантиришни талаб этади. Бу эса олий ва ўрта махсус ўқув юртлари зиммасига улкан вазифаларни юклайди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бу йил ўзининг 70 йиллик юбилейини нишонлаш арафасида турган Самарқанд гидромелиорация техникумининг ҳам республикамиз сув хўжалигига етук мутахассис кадрлар етиштириб беришдаги фаолиятини, ўз салоҳияти ва тутган ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Техникум гидромелиораторлар, гидротехник қурувчилар, механиклар, ҳисобчи ва автомобилчи каби мутахассисликларга ихтисослашган.

Техникумимиз 1927 йили ўзбек ҳунар мактаби асосида ташкил қилинган бўлиб, дастлаб у гидротехникум, кейинчалик ўзбек ирригация техникуми деб аталган. 1957 йилдан бошлаб эса техникум яна гидромелиорация техникуми деб аталиб келинди. Техникум ташкил топганидан буён халқ хўжалиги учун 13000 дан ортиқ мутахассислар етказиб берди.

Техникумда 960 ўринли ўқув биноси, 400 ўринли ётоқхона, 54000 нусхали адабиётларга эга бўлган кутубхона, 350 ўринга мўлжалланган мажлислар зали, спорт зали, спорт майдончаси, 26 та ўқув кабинети, 19 та лаборатория, 5 дан ортиқ ҳар хил устахоналар ўқувчиларга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда техникум жамоаси 115 кишини ташкил қилади. Жумладан 53 та олий маълумотли ўқитувчи, 7 та лаборант, 3 та ишлаб чиқариш усталари ва техник ишчилардан иборатдир.

Жамоа мамлакатимиз қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасига етук мутахассислар тайёрлаб беришдек шарафли вазифа турганлигини чуқур ҳис этган ҳолда меҳнат қилмоқдалар.

Ражаб ЎРОҚОВ,
Самарқанд гидромелиорация техникумининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари



МЕҲМОНИМИЗ

Барча зиёлиларимизнинг севимли ҳамроҳига, маслакдошига айланиб улгурган «Тафаккур» журналининг бу йилги 1-сони босмадан чиқди. Қуйида журнал саҳифаларида эълон қилинган айрим мақола ва суҳбатлардан парчалар эълон қилинмоқда. Сиз бу парчалар билан кифояланиб қолмайсиз ва албатта журнални топиб ўқийсиз, деб умид қиламиз.

Инсон ўзинг, инсон ўзинг

Ҳасан БЎРИЕВ

ИМКОНИЯТЛАР МАКТАБИ

...Гап шундаки, Қурия Республикасида, оёққа турган дастлабки кезларданоқ, таълим-тарбияга, мактаб-маорифга зўр эътибор берилди. Бу соҳага келгуси тараққиётнинг тамал тоши деб қаралди. Сирасини айтганда, Шарқ мамлакатларида иқтисодий сиёсат қай йўлдан кетмасин, маърифат жабҳаси анъанавий тарзда диққат марказида тургани маълум. Қўшни Японядаги маданий-маърифий юксалиш бунга ёрқин мисолдир. Руҳ тарбияси, ирфоний тарбия, меҳнат тарбияси мамлакат миқёсида қатъий урф мақомига кўтарилди.

Демак, бари келиб инсонга, унинг тарбиясига, жамиятга муносабатига, бир сўз билан айтганда — инсоннинг маънавияти ва маърифатига тақалар экан. Маънавиятсиз, маърифатсиз келажак йўқ, деганда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Жанубий Қурия тажрибасини ҳам назарда тутган бўлса ажаб эмас.

Юртбошимизнинг «Шу азиз Ватан — барчамизники» деган илҳомбахш ва сафарбар сўзларини бугун ҳар бир ўзбекистонлик яхши билади. Худди шундай фикр куриялликларнинг ҳам вужуд-вужудига сингиб кетган. Ҳар бир фуқаро Қурияни, унинг ҳар қарич ерини, ҳар бир кўча, ҳар дарахтини, дала-тузини ўзиники деб билади, уни кўз қорачиғидек авайлаб-асрайди, у билан ифтихор этади. Мамлакатнинг гуллаб-яшнашига ана шундай эгалик ҳисси, ялпи манфаатдорлик, юртпарварлик туйғуси ҳам сабабдир дейиш мумкин.

Юқорида биз «Имкониятлар мактаби» деб атаган даргоҳнинг таърифига киришишдан олдин мазкур таълим тизимининг асосчиси, Куриядаги янги жамият маънавий-маърифий тараққиёти тарихида ўчмас из қолдирган фидойи сиймо — Йонг-Ки Ким ҳаётининг баъзи саҳифаларини варақламоқ лозим кўринади.

Миллат ва маънавият

Аҳмаджон ЭШОНҚУЛОВ, Абдувосит ЙЎЛДОШЕВ

БИР ЖОНЗОТ, ИККИ МАВЖУДОТ ФАЛСАФАСИ

Маънавият — мураккаб руҳий жараён. У инсоннинг фикр-мулоҳазасида, ҳис-туйғусида, хатти-ҳаракатида турли-туман шаклда намоён бўлади. Ана шундай шакллардан бири бўлмиш инсонийлик маънавиятнинг таркибида муҳим ўрин тутади.

Бир қарашда «инсонийлик» барчага маълум тушунча бўлиб, у ҳақда теран илмий мулоҳаза юритишнинг ҳожати йўқдек туюлади. Аммо сиртдан шундай туюлади, холос, аслида у мураккаб фалсафий-эстетик тушунчадир. Инсонийлик — олижаноб фазилат. Бу фазилатни изоҳлашдан аввал унинг асосини ташкил этувчи «инсон» тушунчасининг моҳиятини шарҳлаб кўрайлик.

Маълумки, тириклик дунёси иккига бўлинади: ҳайвонот олами ва инсоният олами. Биз ана шу икки оламни бир-бирига қиёслаш воситасида уларнинг ҳар иккаласига хос хусусиятларни англаймиз. Бу икки оламни бирлаштириб турган умумий жиҳатларни ҳам билиб оламиз. Одатда инсоннинг ҳайвондан фарқ қилувчи жиҳатлари тилга олинса, унинг нутқ ва тафаккур эгаси экани, меҳнат қила олиши, табиат бойликларини ўзлаштириб янги бойликлар яратиши таъкидланади. Аммо инсоннинг чинакам инсонийлигини сифатлаш учун шу тарифларнинг ўзигина етарлимикан?

Хуллас, биз инсонга хос фазилатларни шарҳлаганда аксарият уни ҳайвондан фарқловчи жиҳатларга зўр эътибор қаратамиз. Шу боис, неки салбий сифатлар бўлса ҳайвонга нисбат берганимиз ҳолда, неки ижобий сифат бўлса инсонга хос деб ҳисоблаймиз. Шу тариқа уларни катта тўсиқ билан ажратиб, ўзаро қарама-қарши мавжудотга айлантириб қўямиз.

Етти иқлим муждаси

ОРЗУЛАР МАМЛАКАТИ

Франциянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва Мухтор элчиси жаноб Жон-Клод РИШАР билан суҳбат

— Муҳтарам элчи жаноблари! Маълумки, ўзбек ва француз халқлари ўртасидаги ҳамкорлик қўп асрлик тарихга эга. Қадимий Мовароуннаҳр франциялик сайёҳ ва савдогарларни азалдан ўзига жалб этиб келган, француз шарқшунос олимлари эса бизнинг буюк алломаларимиз — Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Улуғбек, Ал-Хоразмий, Алишер Навоий асарларидан ўтган асрлардаёқ, бохабар бўлганлар. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик қайтадан йўлга қўйилди. Илм-фан, маданий-маънавий соҳалардаги алоқаларимизнинг бугунги аҳволи ва келажакдаги тараққиётини Сиз қандай баҳолаган бўлар эдингиз?

— Дарҳақиқат, илмий ва маданий соҳалардаги алоқаларимизнинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бу ажиб ўлканинг юксак маданияти, унинг Самарқанд, Бухоро, Хива каби кўҳна шаҳарларининг довруғи Франсияда XII—XIV асрлардаёқ маълуму машҳур бўлган. Франция қироли ва Турон султони Соҳибқирон Амир Темурнинг бир-бирига йўллаган мактублари ҳам шундан далолат беради. Х асрда Ўрта Осиё ҳудудида яшаб ўтган буюк қомусий олим ва файласуфларнинг жаҳон илм-фани тамаддунига қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Чунончи, XV асрнинг ўрталаригача, яъни янги илмий кашфиётлар даврига-ча Овруп дорилфунунларида тиббиёт султони Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асари асосида ўқитилгани, Улуғбекнинг астрономияга оид асарлари буюк кашфиётларга, хусусан Кеплер қонунларига замин яратгани, Ал-Хоразмий эса бутун дунё математикаларига ал-жабрни танитгани шулар жумласидандир.

Табиийки, Ўзбекистонда ҳам бизнинг мамлакатимиз тарихи ва маданиятига, хусусан, бадиий адабиёт ҳамда кино асарларига зўр қизиқиш борлигини илғаб олиш қийин эмас. Мен, айниқса, Виктор Гюго, Оноре де Бальзак, Эмиль Золя, Александр Дюма каби ёзувчиларимиз асарлари, уларда ифода этилган озодлик ва бирадарлик ғояларини ўзбекистонлик китобхонларнинг ҳис-туйғу ва интилишларига мос эканини таъкидламоқчиман...

— Таълим тизимини ислоҳ этиш бугун Ўзбекистонда муҳим аҳамият касб этмоқда, чунки мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг тақдири, шак-шубҳасиз, янги авлодни вояга етказиш, бозор шароитида эркин фаолият юрита оладиган мутахассисларни тайёрлашга боғлиқдир. Шу боис Франциянинг бу борадаги тажрибаси биз учун қимматлидир. Айтинг-чи, мамлакат таълим-тарбия тизимининг устун ва заиф жиҳатлари нималардан иборат?

— Агар бирон бир мамлакат келажагини тахмин қилувчи мутахассиснинг ҳисоб-китобларига бир назар солсангиз, у таълим-тарбия тизимини махсус назарда тутганига амин бўласиз. Биздаги таълим-тарбия тизими ҳар бир франциялликка қадрли бўлган озодлик, бирдамлик, қардошлик ғояларига асосланган. Мактабларимизда ягона умуммиллий дастур асосида (айрим вилоятлар, хусусан, Бретан ва Корсика бундан мустасно) юритилади ва бу барча фанлардан пухта билим олиш имконини яратади. Бир талай дорилфунунларимизда (Сорбонна, Политехника, Марказий университет) кўп асрлик тарихи ва ажойиб анъаналарига эга. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиздаги 81 университетдан 61 таси вилоятларда жойлашган. Бу тизимнинг афзаллиги шундаки, у ҳар бир вилоятни барқарор ривожлантириш, уларни зарур мутахассислар билан таъминлаш имконини беради. Бундан ташқари, мамлакатимизда 300 дан зиёд олий мактаб мавжуд бўлиб, улар муҳандис ва техник ходимлар, турли маҳкама ва муассаса мутахассисларини, корхона раҳбарларини тайёрлайди. Энди мамлакатимиз таълим тизимига доир баъзи умумий маълумотларга мурожаат этсак. Мактабгача тарбия, бошланғич ва ўрта мактаб тизими 12620 минг ўқувчини жалб этади, олий мактабларда эса 2075 минг талаба таълим олади. 1994 йилда таълим-тарбия тизимига 538 миллиард франк (107,5 миллиард доллар) ёки мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 7,3 фоизи сарфланган эди. Бу миқдорни аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 9300 франкни (1860 доллар) ёки ҳар бир ўқувчи талабага 32100 франкни (6420 доллар) ташкил этади.

Мамлакатимиз таълим тизими муайян камчиликлардан ҳам холи эмас. Хусусан, университетларимиз моддий-техникавий жиҳатдан яхши жиҳозланганги, юксак малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминлангани ҳолда, амалиётдан анча йироқлашиб қолгани, корхоналар билан мустаҳкам боғланмагани боис, аксарият битирувчиларнинг иш топиши жиддий муаммога айланиб бормоқда. Шу билан бирга мамлакатда бир талай касб-кор одамларига, чунончи чилангар, новвойларга эҳтиёж сезилмоқда. Энди биздаги таълим тизимини ҳам ислоҳ этиш зарурияти етилганга ўхшайди.

Тарих ва тараққиёт

Азамат ЗИЁ

ДАВЛАТИ БОР ЭЛ — ҚУДРАТИ БОР ЭЛ

Давлатли эл — қудратли ва савлатли элдир. Бинобарин, ўзбек халқи қадимдан қудратли ва савлатли бўлишга, ўзбеклигини асрашга интилиб келган. Ўзбекистонимиз 1991 йилда давлат мустақиллигини қайта тиклаб, ўтган қисқа муддатда миллий тараққиёт йўлидан дадил одимлаб, давлатчилигини дунё тажрибалари асосида мустаҳкамлаб бормоқда. Энди бу жараённи ёритиш масаласига келсак, эътиборли жиҳати шундаки, бу борада манбалар, далиллар танқислиги сезилмайди. Кўп ҳолларда тадқиқотчи воқеаларни шахсан кузатган, кўрган бўлиб чиқади. Дарҳақиқат, барчамиз — ҳар бир ўзбекистонлик мана шу йилларда кечган воқеаларнинг гувоҳимиз. Қолаверса, давлатчилигимизнинг қайта шаклланиш жараёни оммавий ахборот воситалари, Олий Мажлис ахборотномалари, турли расмий ҳужжат тўпламлари, талайгина илмий, илмий-оммабоп нашрларда акс эттирилган. Аммо XX асрнинг 90-йилларида миллий асосда қайта шаклланиш йўлига кирган ўзбек давлатчилигининг аҳволи, унинг ижтимоий-сиёсий вазифалари ва жамият ҳаётида тутган ўрнини мукаммал тасаввур этиш борасида зўр қиммат касб этадиган тагин бир манба бор. Бу ўринда Президент Ислом Каримовнинг ижтимоий-сиёсий қарашларини ифода этган маърузалари, суҳбатлари, рисола ва асарларини назарда тутмоқдамиз. (Қаранг: Ислом Каримов. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, мафкура» 1-жилд, 1996 йил; «Биздан озод ва обод Ватан қолсин», 2-жилд, 1996 йил; «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», 3-жилд, 1996 йил; «Бунёдкорлик йўлидан», 4-жилд, 1996 йил; «Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби», 5-жилд, 1997 йил; «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», 1997 йил.) Зотан, бу асарлар тадқиқ объекти ўлароқ, шу жиҳатдан долзарб ва муҳимки, биринчидан юртбошимиз — Ўзбекистон мустақиллиги учун юритилган барча саъй-ҳаракатларнинг бошида турган йўлбошчидир. Иккинчидан, хоҳлаймизми, йўқми, минг йиллардан буён юрт етакчиси, давлат бошлигининг мавқеи юксак тутилган мамлакатимизда жамиятнинг тақдири мустақиллик йиллари кўп жиҳатдан Президентнинг дунёқараши, салоҳияти ва изчил сиёсатига боғлиқ бўлиб келди. Учинчидан, фақат «совет» тузуми шахснинг тарихдаги ўрнини инкор қилиб келган. Аммо бошқа бирон бир даврда бу омил зинҳор рад этилмаган. Шу жиҳатдан эски тузумдан янгисига ўтиш даврида ҳар қандай жамиятда ҳам тарихий шахс, миллий етакчининг ижтимоий мавқеи, унинг ижтимоий-сиёсий қарашлари беқиёс аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Ислом Каримов фаолиятининг мавзумизга алоқадор яна бир муҳим жиҳати бор. У ҳам бўлса, ул зотнинг ўзбек давлати тарихи, бугунги ҳолати, келажаги тўғрисидаги қарашларидир. Бу жиҳатдан, айниқса Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари ғоят диққатга моликдир.

(Боши 1-бетда)

Фозил Йўлдош ўғлининг «Жиззах қўзғолони», Муҳаммад Шомуродқул ўғли Пўлканнинг «Мардикор» достонлари билан қирғиз халқ оқинлари Исҳоқ Шойбековнинг «Бечора халқ», Ахтан Танибековнинг «Муҳожирлик», Мусо Чагатовнинг «Исён» каби поэтик асарлари бир-бири билан жуда ҳам яқин ва ҳамоҳангдир. Лекин мавзуни бадиий маҳорат билан очиш, одатий усуллар, тасвирлаш санъатлари бир-биридан тамомила ажралиб туради.

Энг муҳими биринчи қирғиз газетаси бўлмиш «Эркин Тао» 1924 йилнинг 7 ноябрида Тошкентда чоп этилиб, унда илк бор Аали Тўқомбоев, Муқа Элебаев, Мўлдағази Тўқибоев каби шоирларнинг шеърий асарлари эълон қилинган. Натижада қирғиз ёзма адабиёти йигирманчи йилларда ана шу ижодкорлар асарлари асосида вужудга келади. Аммо қирғиз халқининг оғзаки ижоди алоҳида ривожланган бўлиш билан бир қаторда, ғоят ранг-баранг ва сермазмундир.

деса, ҳассос қалам соҳиби Мақсуд Шайхзода ўзининг «Қирғиз жўлдошга» номли ажойиб шеърида:

Тиёншоннинг ўтлоғи
Қўйларга яйлов.
Тоғларининг чўққиси,
Бахтинга яйлов.
Йигитларинг чавандоз,
Қизларинг танноз.
Қирғизнинг қўбизида
Жаранглар Манас, —

дейди.

Мана шундай ўзбек халқи ҳаётини, меҳнат зафарларини, Ўзбекистоннинг гўзал табиатини куйлаш, ўзбек-қирғиз халқларининг азалий дўстлигини мадҳ этиш Аали Тўқомбоевнинг «Алишер Навоий», Темирқул Уметалиевнинг «Дўстлик саломи», Бойдулла Сарноғаевнинг «Салом», Қувоничбек Маликовнинг «Дўстлик гулхани» каби ва бошқа шоирлар асарларида ўз аксини топган. Масалан, Темирқул Уметалиев ўз шеърида:

Гулла, яшна, камол топ
Ўзбекистон,
Кўҳна Шарқнинг машъали,
гўзал бўстон.
Эл довқалб, заршунос
алп қутлуғ ўлка,
Яқин қўшним Ўзбекистон,
Ўзбекистон,—

деса, Бойдулла Сарношаев:

Салом сенга, бобокалон
Самарқанд,
Номинг дилга муҳрланган эс
таниб,
Олқиш сенга, Улуғбекнинг
диёри,
Минг йилларга шоҳид бўлган
эсдалик, —

дейди.

Ўзбек шоирлари ҳам қардош қирғиз халқи ҳаётини, гўзал табиат манзараларини, ҳар иккала халқ дўстлигини ўз асарларида жўшиб куйлаб, дўстлик ва бирадарлик ғояларини теран тараннум этмоқдалар. Бу борада Миртемирнинг «Чағалай», «Тўхтағулга», «Мен сени», «Эл-юрт мақтови», «Қирғизистон», «Қирғиз халқига», Уйғуннинг «Қўбизчи», Жуманиёз Жабборовнинг «Қирғизим», «Иссиққўл», «Зумрад», Эътибор Охунованинг «Чорбоғ» каби поэтик асарларини эслаш кифоядир.

Хуллас, бугунги кунда халқларнинг дўстлиги, иноқлиги, бирадарлигини куйлаш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, ҳамон бахт — дўстликда, ризқ — иноқликда.

Қалдибек СЕЙДАНОВ,
Қозоғистон Республикаси Гуманитар Фанлар академиясининг академиги,
«Нурли жол» рўзномасининг бош муҳаррири

БАХТ ДЎСТЛИКДА

Дарҳақиқат, ўзбек ва қирғиз адабий-маданий алоқалари ҳақида гап кетар экан, аввало бу адабиётнинг буюк намоёндлари бўлмиш, қирғиз халқ оқинларидан И.Шойбеков, А.Тинибеков, М.Чагатов, Т.Сотилғонов билан Шомурод ўғли Пўлкан, Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғиллари билан Аали Тўқомбоев, Туғелбой Сидиқбеков, Қувоничбек Маликов, Темирқул Уметалиев, Чингиз Айтматов, Нуралайка Алимқулова каби ва бошқа қирғиз ижодкорлари билан Ойбек, Ғафур Ғулом, Ғайратий, Миртемир, Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Жуманиёз Жабборов, Асил Рашидов, Эътибор Охунова сингари ёзувчилар номини алоҳида тилга оламиз.

Ўзбек поэзиясида қирғиз халқи ҳаётини акс эттириш, қардош ва жондош икки халқ дўстлигини мадҳ этиш 20-йилларнинг охири ва 30-йилларнинг бошларидаёқ алоҳида намоён бўла бошлаган эди. Мазкур мавзуни ўзбек шоирларидан Ғафур Ғулом, Ғайратий, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Мирмуҳсин, Жуманиёз Жабборов, Эътибор Охунова ва бошқалар ўз ижодларида кенгроқ ифода этдилар. Масалан, Ғайратий 30-йиллари қардош қирғиз диёрида бир қанча вақт бўлиб, у ўлкада яшаб, мазкур халқнинг ҳаётини, адабиёти ва маданиятини кенгроқ ўрганиш имконига мушарраф бўладилар. Натижада, 1932—1933 йиллари Тўқмоқ овулида яшаб, унда ўз онасига «Онамга хат» номли шеърини ёзишга мушарраф бўлади. Ҳамда унинг «Арошан», «Булоқ бўйида» каби лирик шеърларида қирғиз элининг гўзал табиати, меҳнаткаш халқининг зафарлари ўз аксини топгандир. У ўзининг «Арошан» шеърида:

Бахмал, кенг қучоқларинг,
Чаманзор экан.
Қиз нафасидек майин,
Илиқ булоқлар, —

УСТОЗНИ ХОТИРЛАБ

Пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидаги Қўчқор Турдиев номидаги 59-ўрта мактабда таниқли адабиётшунос олим Субутой Долимовнинг 90 йиллигига бағишланган хотира кечаси ўтказилди. Анжуманга Тошкент Давлат университетининг профессор ва ўқитувчилари ҳамда талабалар, Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти ходимлари, шунингдек С.Долимовнинг фарзандлари, шогирдлари иштирок этдилар.

Хотира кечасини профессор Анвар Ҳожиаҳмедов кириш сўзи билан очиб, домла Субутой Долимовнинг ҳаёти ва фаолияти, Ўзбекистон адабиёт фани ва маданиятига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда мазкур мактабда ҳам бир неча йил мобайнида ўқувчиларга таҳсил бергани ҳақида гапирди.

С. Долимов 5-синфлар учун адабиёт дарслигини ишлаб чиққан ва 22 марта қайта-қайта нашр қилдирган. Айни пайтда мактаблар учун таълимий иншо, баёнлар тўпламини яратган.

— Субутой Долимовнинг методист олим сифатида адабиёт фанига қўшган ҳиссалари жуда катта, — деди ТошДУ филология факультети ўқитувчиси, филология фанлари номзоди Омонулла Мадаев. — У киши университет талабаларига адабиёт ўқитиш методикаси бўйича дарс берган эдилар. Домланинг шогирди сифатида бу кишининг олижаноб фазилатлари, ўта маданиятли инсон эканликлари ҳақида ҳар қанча гапирсам оз.

Кечада домланинг аспиранти, ҳозирда Низомий номидаги педагогика университети ўқитувчиси, филология фанлари номзоди Абдуманноп Тожиев, Иқтисодиёт университети қошидаги лицей ўқитувчиси Раҳимжон Мусаев ҳамда университет талабалари сўзга чиқишиб, Субутой Долимовнинг дилкаш, бағри кенг, меҳрибон, айни чоғда ўта талабчан эканликлари ҳақида сўзладилар.

—Отам ҳақида гапириш ниҳоятда қувончли, — деди домланинг ўғли, филология фанлари номзоди Улуғбек Долимов. — «Қобуснома» китобини нашрга тайёрлаш жараёнида кўпгина оилалар ҳамда ёшлар билан яқиндан суҳбат қурганлар, уларга ҳаётий тажрибалар асосида маслаҳатлар берганлар. Ҳар қандай муаммоларни ҳам ақл-идрок ила кенг муҳоҳада юритиб ҳал қилишда одамларга имкон қадар ёрдам бериб келганлар.

Қизиқарли ва мазмунли ўтган хотира кечаси иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

М.ШАРИПОВА,
шу мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси

Munosabat

АГАР ШУ АДОЛАТ БЎЛСА...

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар бой тарихий меросимиз, маънавий маданиятимизнинг юзага чиқиши самарали таъсир этиб, халқимизнинг руҳиятида миллий ғурур каби эзгу ҳислатларни намоён этмоқда. Шу ўринда, бундай муносабатлар қарор топиши жараёнига халақит бериши мумкин бўлган турли кўринишдаги салбий ҳодисалар ҳам намоён бўлмоқдаки, уларни содир этаётганлар халқ орасига қутқу солиш каби ўз қора ниятлари йўлида ҳар қандай воситадан, ҳатто қонун йўлидан чекинишлардан ҳам фойдаланмоқдалар.

Шундайин ёт ниятли гуруҳ — ваҳҳобийлар ҳам динга сиёсий тус бериш, унинг воситасида ҳокимият сари интилиш, мусулмонлар орасига нифоқ солиш, қўпорувчиликни байроқ қилиб, ҳатто оқибатда диннинг ҳам ич-ичидан бузилишига қаратилган ҳаракатлари билан юзага қалқиб чиқди. Бундай ақидапарастликнинг моҳияти, тарихий илдизлари ва ғоялари ҳақидаги туркум кўрсатувлар ойнаи жаҳон орқали намойиш этилди ва республикамиз газеталарида эълон қилинган мақола ва муносабатларда ҳам узининг ифодасини топмоқда. Уларнинг мазмунидан шуни англаб етиш мумкинки, фожиали ишларнинг содир бўлишига сабабчи шахслар миллатимизни эзгу ниятлардан чалғитиш йўлида Ислом динини «қурол» қилиб олишган.

Маълумки, Ислом дини узининг моҳият-эътибори билан адолат мезони сифатида жаҳон динлари орасида алоҳида аҳамият ва қадриятга эга. Ислом динидаги инсоннинг ўрни, инсоний муносабатлар, унинг давлатга муносабати, жамиятда инсонлар орасида вужудга келган муносабатлар, уларнинг қадрият мезонлари фақат бир нарсага, у ҳам бўлса адолатга қаратилган. Шу боис ислом дунёсида Қуръони Карим ва Ҳадису шарифлардан келиб чиқилган турмуш тарзи Мовароуннаҳр ҳудудидаги барча мусулмонларнинг ҳаётий турмуш тарзига айланиб қолди. Унинг асосий қадриятлари Ийд рамазон, Қурбон ҳайит, пайғамбарларни улуғлаш, номларини абадийлаштиришга хизмат қилган буюк алломаларни, азиз инсонларни қадрлаш, уларни зиёрат қилиш, яна бир қатор диний байрамлар, анъаналар ва урф-одатларга содиқ қолиш уларнинг кундалик эҳтиёжига айланиб қолди. Бугунги кунда узини мусулмон ҳисоблаган ҳар бир инсонни ана шу қадриятларсиз ва мусулмон турмуш тарзисиз тасаввур қилиш қийин.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигининг еттинчи баҳорини қарши олди. Унинг ҳар бир фуқароси мустақил Узбекистон Республикасининг фуқаросиман дейишга арзирли давлат шаклланди. Мамлакатда чуқур иқтисодий-сиёсий ва ижтимоий ислоҳотлар, айниқса маънавий дунёда, инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш борасида бениҳоят кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, виждон эркинлигини таъминлаш, унинг имконият доирасини янада кенгайтириш борасида жуда катта ишлар қилинди.

Шундай бир шароитда узларини «адолатпарвар» мусулмонлар деб, ёки «исломпарвар»лар деб номлаган ваҳҳобийлар ҳалқимизнинг тинч, осойишта ҳаётини нотинч қилишни узларига мақсад қилиб олдилар. Улар бу йўлда мақсад ҳар қандай воситани оқлайди, деган қадимги шиордан келиб чиққан ҳолда иш тутиб, ҳар қандай хунрезликларга, ғайри-инсонийликларга, шафқатсизликларга, бемеҳрликларга, тубанликларга бормоқдалар, улар узларининг ана шу шафқатсизликларини адолатдандир деган тамойил билан исбот қилишга уринмоқдалар. Уларнинг фикрлари Узбекистондаги бугунги мусулмонлар турмуш тарзига кўра, ҳақиқий мусулмонлар деб аталувчи илоҳий бирликка мутлақ тўғри келмайди. Қолаверса, бу дегани мусулмонларни мусулмонларга қарши жангга, хунрезликка чақириш эмасми? Бу чақириқ-даъватни қайси адолат мезони билан ўлчаш жоиз бўлади?

Ваҳҳобийлар ўз ғояларини амалга ошириш учун аҳолининг турли хил табақалари билан, уларга мос бўлган услубда иш олиб бормоқдалар. Ёшлар эса уларнинг қопқонига соддалик билан тез тушувчи гуруҳ ҳисобланади. Ёшлар психологиясидан аёнки, булар ҳис-ҳаяжон ила тез ишонувчи, тез таъсирланувчан ижтимоий гуруҳдир. Мана шу омил ваҳҳобийларга бугунги кунда жуда қўл келмоқда. Улар биринчи ўринда ёшлар ўртасида ҳис-ҳаяжонли, таъсири кучли бўлган ташқи шакл унсурларидан, яъни ҳижоб, ҳижобдаги қизларнинг узларини тутиши, муомала услублари, ўғил болаларнинг узига хос кийиниши, ташқи қиёфаси ва ҳоказоларни кенг тарғиб қилишмоқда. Ёшларда мазкур узига хослик, албатта қизиқиш уйғотади. Айниқса, худди шу тамойил ваҳҳобийлар муаллимларининг тарбия услубларидан бири сифатида қўзга ташланади. Улар худди шу кўп қирралилик асосида ўз ғояларини мўътадил мусулмонларга қарши қўядилар. Масалан, бир суҳбатдошимиз айттани сингари 15-16 ёшлардаги қизларни ўз ичига олган ваҳҳобийлар мактабининг муаллимаси ўз тарбияланувчиларига «Сиз ота-оналарингиздан Қуръонни ўқиш, уни мутолаа қилишни талаб қилингизлар. Агар улар сизларнинг таклифларингизни рад этсалар, уларни ишонтиришга, дузах азобларидан қўрқитишга ҳаракат қилинглар. Ота-оналарингиз сизларнинг фикр ва ҳаракатларингизга астойдиллик билан қаршилик кўрсатсалар, сизлар ўз интилиш ва даъватларингизлан қайтмангизлар. Агар охир-оқибатда падари бузрукворингиз ва онаизорингиз бу хоҳишингизни амалга оширишни хоҳламасалар, улардан воз кечингизлар. Шунда сиз албатта жаннати бўласизлар», деб ўқтирган. Наҳотки улар ислом динининг бағри кенглигини тушунишмаса? Чунки пайғамбаримиз (САВ) ўз амакилари Абу Толибни ислом динига даъват қилганларида у киши ўз динида қолишга қатъий туради. Ва ўз динида туриб оламдан ўтадилар. Ахир шундан ҳам билса бўладиқу, дин ва уни қабул қилиш илсом динидагина ўта ошкоравий эканлигини. Хўп, айтинг-чи, демократик жамиятда яшаётган виждон эркинлиги адолат мезони даражасига кўтарилган мамлакатда фарзанд узининг ота-онасига «Менинг эътиқодимни қабул қилишингиз шарт, бўлмаса ё ҳаёт, ё ўлим» деб туришлиги нима қўрғулик! Шу ҳам адолатданми?

Ваҳҳобийларнинг бугунги кундаги талаблари сўзсиз келажаги буюк давлатни қуришга киришган мустақилликни мустаҳкамлашга сафарбар қилинган барча фуқароларнинг нафақат турмуш тарзига, балки орзу-умидларига ҳам мутлақ қарама-қарши бўлган ҳаракатдир. Бу даъватга оддий ҳис-ҳаяжон ёки кузатиш билан баҳо бериш мумкин эмас. Бунинг учун барча фуқароларимиз, биринчи галда ёшлар, ваҳҳобийлик, унинг келиб чиқиши, моҳияти, ғоя фаолиятининг оқибатларини яхши англамоқликлари ва узлаштирган билимлари асосида унга узларининг баҳоларини бермоқликлари лозим. Биз ижтимоий фан ўқитувчилари бу жараёнда катта жавобгарликни ҳис қилган ҳолда ваҳҳобийлик, унинг тарихи ва туб моҳиятини ёшлар орасида кенг тушунтирмоғимиз керак. Ва бу соҳада биз институтимизда амалий ишларни олиб бормоқдамиз. Ахир Муҳаммад (САВ) нинг муборак масжидини талон-торож қилган, унда пайғамбаримиз қадрларини улуғловчи буюм ва зебу зийнатларни сотишдан манфаат кўрган ваҳҳобийлар наҳотки буюк давлатни қураётган халқимиз учун адолат мезони бўла олса? Бизнингча, халқни нотинч қилган ҳар қандай муслим Қуръони карим таълимотига кўра бидъатчи, республикамиз Конституциясига кўра жиноятчидир.

Н. ОБЛОМУРОДОВ,
Тошкент Молия институти ректорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи муовини,
Т. БОЙМУРОТОВ,
«Маънавият ва маърифат» бўлими бошлиғи,
Ж. АБДУХОЛИҚОВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Respublika Ijodkor o'qituvchilarining VII Respublika seminar-kengashi oldidan

АЁЛ ҚАЛБИДАГИ МЕҲР ҚАЕРДАН?

(Қатра)

Аёл қалбидаги меҳр қаердан? У қайдан олар экан, шунча қуюнчакликни? Меҳр-муҳаббат, фидойилик ҳислари, тўлиб-тошган қайси чашмадан? У қайдан олган экан, садоқатни, вафони? Бор вужуди билан севади ягона бир юракни! Унга борлигини бахшида қилар, муҳаббати билан обод қилар янги бир хонадонни!

Қайдан олган экан аёл бардошу тоқатларини? Қулфатларни сабр билан енгади, тоқат замин ҳозирлар эртанги куннинг қутлуг келишига?! Суронларда ёниб чиқар?!

Аёл қалбидаги фидойилик қаердан? Ташвишлардан чиқиб ташвишларга қумилар. Ижодкорлик — унинг касби, яратишдан чарчамас. Жон бағишлар мурғак бир этга. Унинг тафтли қўлларида камол топар янги бир вужуд. Майин сеҳрли алла билан улғаяди ғудаклар.

Аёл қайдан олган шунча ғўзалликларни? Бу ғўзаллик унинг қалбидан ишига, қадамларига қўчган. У борган жой обод, унинг хонадони тўкис. Аёл кимдан олди шунча мурувватни, диёнатни? Табиатми, унинг қалбини меҳр чашмасига тўлдирган? Дунёда бахтиёрлик бўлсин учун табиат ато этганми унга шунча нафис хислатларни?!

Баъзан унинг кўзларидан алам, изтироб ёшлари оқади. Баъзан ширин суҳбатидан аччиқликлар туюлар. Аммо улар замирида ноҳақликлардан норозилик сезилади. Алам кўз ёшлари беҳуда эмас. У муҳаббатини, азизлик дарахтини қуриб қолишдан асрамоқчи. Аёл қалбидаги меҳрни қўёшларга қиёслагум. Шу меҳр, ҳарорат абадий иситсин дунёни. Аёл... Аёл!!!

Умида ЮСУПОВА,
Булоқбоши туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси

БАХШИЁНА

Турку

Бахши юртнинг безаги, элнинг яхши-ёмони эса унинг айтар сўзи бўларкан; шу боис бахши кўп кезар, одамлар орасидан териб-тергани одамларнинг узларига қайтараркан. Кунлардан бир кун гапхўр йигитлар бахшидан гина қилишибди.:

— Сиз айтмаган сўз қолмади, тилингиз таърифдан толмади, аммо бизнинг шаънимизга бир нарса демадингиз, нима, йигитларга аталган сўзингиз йўқмиди?

Бахши ўз номи билан бахши-да, ҳозиржавоблик унинг нақши-да, йигитларнинг сазасини ўлдирмай, дилдаги сўзимни бўғзимда сўндирмай дебди ва шундай деган экан:

Йигитнинг айтарли ўз сўзи бўлсин,
Меҳмонга тутарли ош-тузи бўлсин,
Айри қараш кимга шон келтирибди,
Яхши ҳам ёмонга ҳақ кўзи бўлсин.

Эгилган бошларни кесар қилич ҳам,
Йигитни ўлдирар бадфеъл қилиқ, ғам,
Дил қора бўлмасин ҳеч бир оғир дам,
Кўнглини очарли дўст-ёри бўлсин.

Ёмон эр қавмига келтиради дод,
Хотиннинг ёмони элига иснод,
Гар дилим чекмасин дер эсанг фарёд,
Юрагин англарли бир ёри бўлсин.

Тупроқдан яралмиш одамзод насли,
Тупроққа боради умр — сўнг фасли,
Беватан кимсанинг аримас дарди,
Севиб-ардоқларли мозори бўлсин.

Жавоб йигитларга ёқиб тушибди, улар бараварига:

— Яшанг бахши, тилингиз сайрашдан чарчамасин, — дейишибди.

Абдунаби АБДИЕВ,
Баҳористон туманидаги 1-мактаб ўқитувчиси

Sport

МУРОСАСИЗ БЕЛЛАШУВЛАР

Шу кунларда республикамизнинг турли шаҳарларида халқ таълими тизимидаги болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ва ихтисослашган болалар-ўсмирлар Олимпия резервлари мактаблари биринчилиги ўтказилмоқда.

Спорт мактаблари талабалари эркин кураш, бадиий гимнастика, қиличбозлик, футбол, шахмат, юнон-рум кураши, спорт гимнастикаси, акробатика, сузиш, қўл тўпи, бокс, стол тенниси, енгил атлетика, оғир атлетика, теннис, кураш бўйича бир ой мобайнида ғолиблик учун кураш олиб боришади.

Қуйида айрим спорт турлари бўйича ўтказилган мусобақалар ҳақидаги ахборотлар ёритилаётир.

БАДИИЙ ГИМНАСТИКА

Пойтахтимиздаги Марказий Ҳарбий Спорт залида уч кун мобайнида бадиий гимнастика мусобақалари бўлиб ўтди.

Беллашувларда Тошкент шаҳри, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Андижон вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасидан 75 спортчи иштирок этди.

Бадиий гимнастикачилар кўп кураш, аргамчи, лента, қопток ва булава бўйича ғолиблик учун кураш олиб боришди. Спорт устаси дастури бўйича кўпкурашда республика ёшлар олий спорт маҳорати мактаби вакили Лиля Носирова, спорт усталигига номзодлар дастурида Тошкентдаги 22-ихтисослашган Болалар-ўсмирлар олимпия резервлари мактаби талабаси Лена Подгорнова мусобақа чемпиони бўлди.

Команда мусобақаларида Тошкент шаҳри спортчилари биринчи ўринни, Қорақалпоғистон Республикаси спортчилари иккинчи, самарқандликлар учинчи ўринни эгаллашди.

ЭРКИН КУРАШ

Самарқанд шаҳрида ўтказилган мусобақада байрам вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган 146 ўқувчи гиламда ўз маҳоратини кўрсатиш учун ҳаракат қилди. «Мард майдонда синалади» дейилганидек, 10 хил вазн тоифасида беллашганлардан самарқандлик У Хаитов, С. Машрапов, Г. Абдуқосимов, С. Боднев, Д. Бобоқулов, Ф. Абдуғаффоров, Р. Абдуғаффоров, Тошкент шаҳридан Д. Мансуров, Х. Бобожонов, И. Улахуновлар ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасидан жой олишди.

Команда ҳисобида Тошкент шаҳри ёш полвонлари мусобақа ғолиби бўлишди. Самарқанд вилояти вакиллари иккинчи, Тошкент вилояти спортчилари учинчи ўринни қўлга киритишди.

Ғолиб ва совринли ўринни эгаллаганлар диплом ва фахрий ёрлиқлар, ҳомий ташкилотлар мукофотлари билан тақдирланишди.

ШАХМАТ

Халқ таълими тизимидаги болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ўртасида шахмат бўйича Қарши шаҳрида ўтказилган мусобақаларда Фарғона вилоятидан ташқари барча вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидан 78 ўқувчи қатнашди.

Мусобақада ўсмирлар тўртта тахтада, қизлар иккита тахтада кураш олиб боришди. Ўсмирлар ўртасидаги муросасиз баҳсларда биринчи тахтадан дон сурган самарқандлик И. Ҳамроқулов саккиз учрашувда саккиз очко соҳиби бўлиб, биринчи ўринни эгаллади. Тошкент шаҳри вакили А. Бобоев 7 очко билан иккинчи ўринни олди.

Ўсмирлар ўртасида қолган учта тахтада ўйнаган пойтахтимиз вакили Ж. Мажидов, Тошкент вилоятидан А. Қучқоров, қашқадарёлик Т. Мустафин учрашув чемпионлари бўлишди.

Қизлар беллашувида самарқандлик И. Ҳамроқулова билан Тошкент шаҳри вакили И. Барковскаяга биринчи ўрин насиб этди. Команда ҳисобида 12,5 очко олган Тошкент шаҳри шахматчилари биринчи ўрин соҳиби бўлишди. Улардан ярим ортда қолган самарқандликлар иккинчи, 7 очкони қўлга киритган қашқадарёликлар учинчи ўринни эгаллашди.

Ғ. МАННОПОВ

Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек Жамғармаси истеъдодли ёшларнинг миллий ғурур, ватанпарварлик туйғуларини кучайтириш, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини янада ошириш, улар иқтидорини, имкониятларини эзгу ва улуғ мақсадларга йўналтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига бағишланган «Ватан — истеъдод бешиги» республика

КЎРИК-ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кўрик-танловда иштирок этувчилар ўзларининг Ўзбекистонни мадҳ этувчи, она-Ватан қиёфасини, мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни, ёшлар онг-шууридаги ўзгаришларни ёрқин акс эттирувчи (қўшиқ, мусиқа асарлари, шеър, поэма, ҳикоя, публицистик асарлар, меъморчилик, тасвирий санъат асарлари, ихтиролар, рационализаторлик таклифлари, илмий кашфиётлар) асарларини юборишлари лозим. Танлов қатнашчилари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнидаги бевосита иштирокини (қўшаётган ўз шахсий ҳиссаси) қай даражада эканликларини ҳам кўрсата олишлари тақозо этилади.

Танловга юборилган асарлар ҳеч жойда эълон қилинмаган (машинкаланган ҳолда) бўлиши шарт.

Танлов иштирокчилари қуйидаги «Сўровнома» саволларига жавоб ёзишлари сўралади:

1. Сизнингча Ватан нима, уни англаш нимадан бошланади?
2. Ватан туйғусини қандай ҳис этасиз?
3. Ватанпарварлик тушунчасини қандай изоҳлайсиз?
4. Юрт соғинчини ҳис қилганмисиз (қаерда, қачон ва нима сабабдан)?
5. Истиқлол Сизнинг ҳаёт тарзингиз, онг-шуурингиз, тафаккурингизда қандай ўзгаришлар қилди?
6. Ўз шахсий ҳаётингиз мисолида мустақиллик имкониятларини нималарда кўрдингиз?
7. Ватан, халқ тушунчаларининг уйғунлигини нималарда кўрасиз?
8. Ўз ҳаётингизнинг Ватан тақдири билан муштараклигини қандай ифодалайсиз?
9. Ватан, юрт истиқболи, равнақи учун шахсан ўзингиз нима ҳисса қўша олдингиз?
10. Юртимиз истиқболини қандай тасаввур қиласиз?

Ушбу кўрик-танловда 25 ёшгача бўлган барча истеъдод соҳиблари қатнашишлари мумкин.

Танлов қатнашчилари ўз ишларини, саволларга жавобларни (машинкаланган ҳолда) Улуғбек Жамғармаси бошқаруви ҳузурида ташкил этилган республика танлов ҳайъатига шу йилнинг 30 июнига қадар юборишлари лозим.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, 700027. Фурқат кўчаси 1-уй, 5-қават. Улуғбек Жамғармаси бошқарувига.

Танлов ҳайъати томонидан муносиб топилган номзодлар 1998 йилнинг сентябрь ойида Жиззах вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда Жиззах шаҳрида ўтказиладиган якуний тадбирга таклиф этиладилар.

Республика кўрик-танловида 1, 2, 3-ўринларни олганлар Улуғбек Жамғармаси ва Ўзбекистон телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда янги йил арафасида махсус ташкил этиладиган кўрсатувга таклиф этиладилар.

Танлов ғолиблари Улуғбек Жамғармасининг фахрий ёрлиқлари ҳамда мукофотлари билан тақдирланадилар.

Кўрик-танловга марҳамат!

Маълумотлар учун телефонлар: 45-23-48, 45-26-45, 45-96-96.

Xullas...

ПРЕЗИДЕНТ МАОШИ БИР ТОННА

Давлат раҳбари қанча маош олади? Бу савол кўпчиликни қизиқтириши табиий. «Қозон оқшоми» газетасида мазкур республикани бошқарувчи шахсларнинг ўртача ойлик маоши қанча эканлиги ҳақида қизиқарли маълумот босилган.

Ҳисоблашнинг антиқа усулига қараганда, Президентнинг маоши 1 тонна экан. Бунинг учун ҳисобчилар президент йиллик маошининг ўртачасини олишиб, уни 1 тийинга айлантиришган ва тарозида тортиб кўришган. Натижада, Татаристон Президентининг йиллик даромади 1 тоннагача тош босган.

Бош вазирники эса шунинг тенг ярми экан.

ҲАР ҚАДАМДА МИЛИЦИОНЕР

Волгоградда алюминийдан ишланган ахлатдон ва темир ўриндиқларни кимлардир гумдон қилаверди. Рангли металл ўмарувчиларни қандай қилиб қўлга олса бўлади?

Шаҳар ички ишлар бошқармаси кўз-кулоқ бўлиб туриш учун ўз патрулларини оёққа турғазди. Шуниси қизиқки, ҳар бир ахлатдонга бир милиционер тўғри келмоқда. Энди ўғриларга сичқоннинг уяси минг танга бўлса керак...

62 ЙИЛДАН КЕЙИНГИ ТАЪСИР

Ишонасизми, кўча ҳам чўкар экан. Минг қилганда ҳам табиий офат қаршисида одамзот ожиз-да.

Анжеро-Судженск (Кемерова) даги Угольная кўчасида яшайдиганлар чуқурлиги 10 метрча келадиган улкан ўрани кўриб қолишди. Чуқурча борган сари кенгайиб бораверади ва ҳовлилардан бирини ҳам ишғол этди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бунинг сабаби «Анжерск» шахтасининг узун йўлаклари бўлиб, улар 1936 йилда самара келтирмаётгани учун кўмиб ташланган, бироқ унинг таъсири энди сезилмоқда.

Маҳаллий корхоналар зўр бериб тоғ жинслари ўрнашган чуқурчани кўмиб ташлашга киришди. Аммо ўзгариш рўй бермади. Архив ҳужжатларида кўрсатилишича, «Анжерск» шахтасига тегишли ана шундай йўлаклардан 150 таси мавжуд. Анжеро-Судженскка бунинг нечтаси тўғри келишини ёлғиз худо билади.

Қисқаси, шаҳар аҳолиси таҳликада. Шахта йўлаклари кўмиб ташланган жойларда доимий назорат ўрнатилган.

ana shunaqa gaplar

Sport maydonchasi

ГУЛИСТОНЛИК ГРИГОРЯНЛАРГА СОВҒА

Яқинда Гулистон шаҳрида янги ва жуда замонавий бокс кошонаси григорянчилар ихтиёрига топширишлди. Унда иккита ринг, дам олиш, овқатланиш ва ювиниш хоналари мавжуд. Янги кошонанинг очилиш маросимида жаҳон чемпиони Артур Григорян, терма командамиз бош мураббийси Владимир Шин ҳам қатнашди.

«НЕФТЧИ» МАҒЛУБ БЎЛДИ

Футбол бўйича мамлакат еттинчи чемпионатининг навбатдаги тур учрашувлари бўлиб ўтди. Тўрт карра чемпион — «Нефтчи» «Пахтакор»нинг меҳмони бўлди. Учрашув тақдирини 3-дақиқада Азамат Абдураимов томонидан киритилган ягона тўп ҳал қилди. «Нефтчи» мавсумдаги иккинчи мағлубиятига учради.

«БАРСЕЛОНА» ЧЕМПИОН!

Футбол бўйича Испания чемпионати ниҳоясига етди. Чемпионликни машҳур «Барселона» командаси қўлга киритди. Маълумки, улар чемпионлар лигасида Киев «Динамо»чиларидан умумий ҳисобда 7:0 натижа билан мағлубиятга учраган эди.

ТЎП ТИКУВЧИЛАРГА ШАФҚАТ ЗАРУР

Маълумки, дунё бўйича футбол тўпларининг 75 фоизини Покистон тайёрлаб беради. Яқинда Голландия футбол мутасаддилари Покистон тўп тикувчиларига қаттиқ эътироз билдиришди. Сабаб, улар тўп тайёрлаш жараёнида 14 ёшга тўлмаган болалар меҳнатидан фойдаланишган. Голландия футбол мутасаддилари болаларга шафқат қилиш зарурлигини таъкидлади.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек Жамғармаси Ўзбекистон Телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда «Оила — истеъдод таянчи» Республика

ТЕЛЕКЎРИК-ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мазкур кўрик-танловда (оила бошилари 37 ёшгача бўлган) истеъдод эгалари (ўқувчи, талаба, олим, соҳа мутахассиси, санъаткор, тадбиркор, сиёсатчи) қатнашишлари мумкин.

Телекўрик-танлов қатнашчилари ўз фаолиятлари ҳақида қуйидаги сўровнома асосида ёзма маълумот беришлари лозим:

1. Оила ҳақида умумий маълумотлар (оила аъзоларининг исми-шарифи, туғилган йили, маълумоти, касби).
2. Оиладаги истеъдод соҳибларининг қизиқишлари.
3. Оиладаги анъаналар (ҳар хил оилавий тадбирлар).
4. Маънавий-маърифий эҳтиёжингизни қандай қондирасиз? (Кино, китоб ўқиш, кроссворд ечиш ва ҳоказо).
5. Сиёсий-ҳуқуқий билимингизни юксалтириш учун нималар қиласиз?
6. Оилада тадбиркорликка бўлган муносабат (Сиз тадбиркорлик билан шуғулланасизми?).
7. Қайси ижод турлари билан шуғулланасиз? (Адабиёт, санъат турлари, аниқ фанлар, ихтирочилик-рационализаторлик, миллий ҳунармандчилик, халқ табобати, халқ амалий санъати ва бошқалар).
8. Спортнинг қайси турлари билан шуғулланасиз?
9. Оилада бўш вақтдан фойдаланиш.
10. Истеъдод деганда сиз нималарни тушунасиз?
11. Оила аъзоларингиз орасида ёрқин истеъдод эгалари бор деб ҳисоблайсизми?
12. Истеъдоднинг намоён бўлиши учун оилада қандай шароит яратилган?
13. Номзоднинг туман (шаҳар), вилоят, республикада, халқаро тадбирларда иштирок этиши (танлов, олимпиада, фестивал, спорт мусобақалари ва ҳоказолар).
14. Ижод маҳсулининг ҳаётга татбиғи (қаерда, қачон).
15. Истеъдоднинг орзулари, олдига қўйган мақсадлари.
16. Оилада истеъдоднинг ўз мақсадига эришиш йўлидаги муаммолар.

Сўровномага номзод фаолиятига оид бўлган фотосуратлар, видеокассеталар, матбуотда эълон қилинган мақолалар ва бошқа ижод маҳсуллари илова қилиниши мумкин.

Иштирокчи юқоридаги шартларнинг барчасига тўлиқ жавоб бериши қатъий эмас.

Телекўрик-танлов ғолиблари (1, 2, 3-ўринларни эгаллаганлар) Улуғбек Жамғармаси лауреатлик нишони ва қуйидаги мукофотлар билан тақдирланадилар:

Биринчи ўрин учун — компьютер,
Иккинчи ўрин учун — ДЭУ рангли телевизори, видео магнитафони билан,
Учинчи ўрин учун — ДЭУ рангли телевизори.

Республика телекўрик-танловининг барча иштирокчилари Улуғбек Жамғармаси ва Ўзбекистон телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда янги йил арафасида махсус ташкил этиладиган якуний кўрсатувига таклиф этиладилар.

Кўрик-танловга марҳамат!

Номзодлар тўғрисидаги ҳужжатларни Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 1-уй, 6-қават, Улуғбек Жамғармаси бошқарувига шу йилнинг 20 апрелидан 30 майига қадар юборишингиз сўралади.

Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек Жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Адабиёт институти ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда 1998 йилнинг 8 май куни Қарши шаҳрида «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тадбирлари доирасида ёш бахши-шоирларнинг (35 ёшгача) Республика

КЎРИК-ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кўрик — танлов иштирокчилари ёш авлодни истиқлол даврида миллат бирлиги ва маънавий уйғунлиги, миллий ғурур ва ўз-ўзини англашга даъват этувчи сермазмун асарларни (достон, халқ термалари, қўшиқ ва ўз ижод намуналари) ижро этишлари мумкин.

Ҳар бир ёш бахши-шоир учун 20 дақиқа вақт берилади.

Кўрик-танлов қатнашчиларининг ижрочилик маҳорати, ижро этилаётган асарнинг мазмуни, овоз ва созларнинг уйғунлиги, дастурининг ғоявий-бадиий даражаси 10 баллик мезон билан баҳоланади.

Кўрик-танлов ғолибларига қуйидаги мукофотлар:

Биринчи ўрин — ДЭУ рангли телевизори,
— иккита иккинчи ўрин — «Семурғ» телевизори;
— учта учинчи ўрин — кассетали магнитофон, шунингдек совриндорларга Улуғбек Жамғармасининг дипломлари берилади. Ушбу кўрик-танлов Қарши шаҳри, Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилади.

Кўрик-танловга марҳамат!

Маълумотлар учун телефонлар: 45-26-45, 45-23-48, 45-96-96.

Манзилимиз: 700027, Тошкент шаҳри,
Фурқат кўчаси, 1-уй. Улуғбек Жамғармаси бошқаруви

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳри Сирғали туманидаги 3-ўрта мактаб томонидан 1995 йилда ДАВЛЕТШИН НАИЛЬ РАВИЛЬЕВИЧ номига берилган АО № 007793 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

1-Тошкент педагогика билим юрти жамоаси шу билим юртининг математика ўқитувчиси Саноабар Тожиевага падари бузруквори **Рихсиҳўжа ота ТОЖИЕВ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ma'rifat
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар:
Ҳулкар ТУЙМАНОВА,
Хайрулла АБДУРАҲМОНОВ

ИНДЕКС: 149, 150. Г-011140. Тиражи 59313. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6